



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

18 октябрь 1972 йил, чоршанба + № 245 (15.416). ♦ Баҳоси 2 тийин.

КПСС ЛЕНИНЧА МИЛ-
ЛИЙ СИЕСАТИНИНГ БУ-
ЮК ҒАЛАБАСИ — СССР
ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛ-
МАС ҚАРДОШЛАРЧА
ДУСТЛИГИ АБАДИИ
ЯШАСИН ВА ЯШНАЙВЕР-
СИН!

КПСС Марказий Комитетининг
Октябрь Чақириларида.

СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Сирдарё областининг деҳқонлари партия XXIV съезди тари-
хий қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг
50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа-
ни кенг ажи олдириб, дэвлатта пахта сотиш халқ хўжалик планин
муддатидан аввал 17 октябрда бажардилар. Ватанга 416 минг
тонна «оқ олтин» топириди. Ҳамма пахта биринчи навларга
қабул қилинди.

Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Оқолтин районлари планла-
рини муддатидан аввал бажариб бўлиб, социалистик мажбурият
хисобига пахта топиришмоқда.

Механизаторлар планни бажаришга катта ҳисса қўшдилар.
«Зангори кема»лар бункерларидан 320 минг тонна пахта тўқил-
ди, ёки топирилган бутун пахтанинг 77 проценти машинада те-
рилди. Далаларда 4700 — 4800 та пахта териш машинаси иш-
латилди, уларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 64 тоннадан пахта те-
риб берди. Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Оқолтин, Илчи рай-
онларининг, Сегизбобов номи, Ленин номи, А. А. Саркисов
номи, «Малик», С. Раҳимов номи, «Самарқанд», «Правда»,
«Фарғона», 3- «Бойвот» совхозларининг, Гулистон районидан
«Коммунизм» колхозининг механизаторлари топирилган ҳам-
ма пахтанинг 90-95 процетини, ундан ҳам кўпрогини маши-
нада териб бериб, айниқса катта муваффақиятларга эришдилар.

Фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатган Ленин номи
совхоз механизатор-ҳайдовчиси Т. Дадажонов 800 тонна,
М. И. Кичанов номи совхоздан А. Навиев 750 тонна, Гулистон
районидан «Коммунизм» колхозидан Ж. Кўчиев 460 тонна, Во-
рошилов номи совхоздан О. Рустамова 400 тонна пахта те-
риб берди.

Ана-ука Шодиевлар ўз мажбуриятларини парав билан ба-
жардилар. Улар кўрғи ердаги С. Раҳимов номи совхоз далала-
рида 1500 тонна «оқ олтин» тердилар.

Колхозчиларнинг, совхозлардаги ишчиларнинг, механизатор-
ларнинг фидокорона меҳнати, КПСС Марказий Комитети билан
Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва катта ёрдами, пар-
тия, совет, касаба союзи, комсомол ва ҳиллоқ хўжалик органи-
ларнинг моҳирона ташкилотчилиги ва сиёсий иш тўғрисидаги
пахтакорларни ана шундай муваффақиятларга эришдилар. Тош-
кент корхоналари ва муассасалари област пахтакорларига кат-
та оғалик бўламан бердилар.

Пахта териш ва топириш давом этмоқда.
Сирдарё областининг деҳқонлари юбилей йили мажбурият-
ларини қисқа муддатларда бажаришга — Ватанга 500 минг то-
на пахта топиришга, кузги-зишқи тадбирлар комплексини, ўз
вақтида бажаришга, янги ҳиллоқ хўжалик йилига ҳар томонла-
ма тайёргарлик кўришга аъми-қарор берганлар.

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА

Китоб районининг миришкор пахтакорлари шу кунларда терим суръатини тобора оширишмоқда-
лар. Райондаги хўжаликлар би-
ринкетини пахта тайёрлаш бўйи-
ча давлат планини бажариб, ға-
лаба рапортига имзо чекмоқда-
лар.

Кунин неча райондаги Навой номи колхоздан қувончи хабар
кечди: колхоз пахтакорлари пах-
та тайёрлаш йиллиги топиригини
муддатидан илгари бажарганлиги-
лари тўғрисида рапорт бердилар.
Хўжаликнинг 1250 гектар пахта
майdonи бўлиб, пландаги 3601
тонна ўрнига 3750 тонна пахта
тайёрландилар. Топирилган пах-
танинг 2900 тоннаси янги ўзлаш-
тирилган Макрид участкаси май-
донларидан териб олинди. Кол-
хоз деҳқонлари бу йил давлатга
5500 тонна пахта, этказиб бериш
учун курашмоқдалар. Ҳали дала-
ларда ҳосил мўл. Шунинг учун
ҳам пахтакорлар терим суръати-
ни сира бўшастирмай, олинган
мажбуриятни ҳам тезроқ бажари-
ш учун бутун кунчи сафарбар
қилишмоқдалар.

Навон номи колхоз пахтакор-
ларининг бу ғалабасига Музаам
Жалилова, Юсуф Бохидов, Кур-
бон Мурзоев бошлиқ бригадалар-
нинг коллентивлари катта ҳисса
қўшдилар. Чунончи, Музаам Жа-
лилова бошлиқ бригада 50 гектар
майdonнинг ҳар бирдан шу кун-
гача 52 центнердан ҳосил кўтар-
ди. Бригада аъзолари ҳосилдор-
лигини 60 центнерга этказиш учун
курашмоқдалар.



Пахта тайёрлаш халқ хўжалик
планини муддатидан илгари ба-
жарганиги учун республика «Хур-
мат пахтасига» ёзилди:

— Сирдарё области (область)
пертия комитетининг секретари ўр-
тоқ Аҳмедов, область ижроия ко-
митетининг раиси ўртоқ Хайдаров,
область қишлоқ хўжалик бошқар-
масининг бошлиғи ўртоқ Махидов,
совхозлар трестининг директори
ўртоқ Мирҳабибов, «Узсельхозтех-
ника» область бирлашмасининг ра-
иси ўртоқ Хобта, область комсо-
мол комитетининг секретари ўр-
тоқ Абдураимов.

СОВЕТ—МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

16 октябрда Кремлда А. Н. Коси-
гин, Н. В. Подгорный ўртоқлар ва
Миср Араб Республикасининг рас-
мий аъит билан Совет Иттифоқи-
га келган Бош министри Азиз
Сидкий ўртасида музокаралар
бошланди.

Дўстона вазиятда ўтган музо-
каралар давомида Совет — Миср
муносабатларига, шунинг д.е. к.
Яхши Шарқдаги ахволга доир ма-
саладар юзасидан фикрлашиб
олинди.

Совет томонидан музокаралар-
да КПСС Марказий Комитети
Сийёсий бюроси аъзолигига канди-
дат, Марказий Комитет секретари
Б. Н. Пономарев, СССР ташқи
ишлар министри А. А. Громико,
СССР мудоффа министри Совет
Иттифоқи Маршали А. А. Гречко,

СССР Министрлар Совети Ташқи
иқтисодий алоқалар давлат коми-
тетининг раиси С. А. Скачков,
СССРнинг Миср Араб Республика-
сидан элчиси В. М. Виноградов,
СССР Ташқи ишлар министри
коллежиясининг аъзоси М. Д. Си-
тенко қатнашдилар.

Миср томонидан музокараларда
Бош министр ўринбосари, эконо-
мика ва ташқи савдо министри
Мухаммад Абдалла Мирзабон,
Бош министр ўринбосари, ички
ишлар министри Мамдуд Салим,
умумий разведка хизматининг
бошлиғи Ахмед Исмом Али, Миср
Араб Республикасининг СССРдаги
элчиси Яхъ Абдуқодир иштирок
қилдилар.

Музокаралар давом эттирилади.
(ТАСС).

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!



КИРОВЛИКЛАР МАРРАСИ

Ҳосилдорликда, пешқадамликда
Фарғона областининг қарвонбоши-
си бўлган Киров райони маррага
етиб келди. Ғалаба рапортига им-
зо чекилди. Ватан оғборларига
шу кунгача 52 минг 700 тоннадан
зиёд пахта тўқилди.

Республикага бешарикликлар-
нинг буйини, қамоллини кўрсатиб
ёзини ёруғ қилган фидокорлар-
нинг айримлари билан хўрматли
газетхонларни таништириб ўтмоқ-
чимиз. Булар орасида пешқадам-
ларнинг пешқадами — райондаги
«Искра» колхозининг Бригада бош-
лиғи Турсуной опа Собирова ҳам
6-р. Опанинг бригадаси 26-сен-
тибрдаёқ 50 гектар ернинг ҳар
гектаридан 30 центнердан хирмон
кўтариб, плани дўндириб қўйган
эди. Худди шу кунин опа билан
суббатлашганимизда у: «Яна гек-
тар бошига 20 центнердан ҳосил
олиб 50 центнерлик маррани эгал-
лаймиз, пахтамининг чўйи яхши-
деган эди. Биз яна опанинг дала-
сида бўдик. 50 центнерлик мар-
ра ҳам эгалланай деб қолди. Ле-
кин шуниси ажабланарлики, бри-
гадир Турсуной опа Собированинг
қўлида заррача ҳам хотиржамлик
сезилмайдик. Эллик ёшларга бо-
риб қолган бу оёл оддий терим-
чидан фарқ қилмайдик. Ахир рай-
онда 50 центнерчилар ҳаракати
ташаббускорларидан бири. ҳам
шу ола-да. Турсуной Собирова
сентябрнинг охирида райони-
даги 22 хотин-қиз бригадирларга

муружат қилиб, уларни эллик
центнерчилик маррани тезроқ
эгаллашга даъват этдики, бу ҳам
жуذا яхши самара бераёттир.

«Октябрь революцияси» орден-
ли «бешарик» совхози ҳосилдор-
ликда областдаги эмас, респу-
бликада ҳам салмоқли ўринлардан
бирида туради. Районнинг катта-
гина юқини кифтида даст кўтариб
турадиган хўжаликлардан бири-
дир, Совхоз 13 октябрдаёқ Ва-
танга 13 минг 454 тонна «оқ ол-
тин» армуғон этиб планини оши-
риб адо этган.

— План биз учун ҳеч қачон че-
гара бўлган эмас, — дейди сов-
хоз директори ўртоқ Игитали
Мелиев, — биз планга қўшимча
яна 4 минг тонна пахта топириб
жами 17 минг тонналик хирмон
кўтарамиз, одамлар ҳам шу ор-
зуда тер қўйишпти. Механизатор-
лар ҳам тўсгани дилга жо қи-
лишган.

Район партия комитетининг би-
ринчи секретари Усмонов Бег-
матовни кенчи пайт қабул пункт-
ларидан бирида учратдик. Унинг
ўйчан кўзлари қулиб бокарди.

Планини бажардик, — дейди
у. — Лекин ҳали олдинда яна
бир масъулият вазифа турибди.
Биз иккинчи доводдан ҳам ўтиб
63 минг тонналик маррани ҳам
ҳеч сўзсиз эгаллашимиз шарт.
Бутун куч ҳам, эътибор ҳам шунга
қаратилган.

— Ҳа, район коммунистларининг
етакчиси икки оғиз сўз билан
меҳнат аҳлининг дилидагини баён
этиди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.



«Правда Востока» колхози Ленин районидан илгор хўжаликлар қатори
пахта тайёрлаш давлат планини бажариб, социалистик мажбурият ҳисоби-
га «оқ олтин» топиришмоқда. Суратларда (юқорида) ўндан чағга шу
колхознинг илп иминг илпограмичи теримчиларидан Муборакхон Мирза-
рахимов, Дилбархон Мурзоев, Махмудхон Назиров, Пастки суратда-
ги «оқ тоғлар» Юнори Чирчиқ районидан пахта тайёрлаш пунктда бунёд
этилмоқда. Пункт бу йил 6 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилиб
бунтлайди.

А. Туроев ва И. Глауберзон фотолари.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши
тўғрисида 1972 йил 17 октябрда бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Масум бошлан	Шу жумладан машина терими	
			Бир кунда	Масум бошлан
ҚАШҚАДАРЁ	1,78	103,90	1,67	75,48
Сирдарё	2,34	99,23	2,07	112,05
Андижон	1,69	87,50	3,57	93,38
Тошкент	1,91	85,43	4,98	93,11
Наманган	1,93	84,08	3,72	125,36
Фарғона	1,66	75,80	3,42	70,04
Сурхондарё	1,77	70,59	1,64	65,44
Бухоро	1,41	69,27	1,85	57,46
Хоразм	1,78	48,88	1,47	29,45
Самарқанд	2,08	48,73	2,68	40,70
ҚАССР	1,96	46,67	2,11	38,87
Республика бўйича:	1,83	74,42	2,39	76,16
Қашқадарё	1,72	82,00		
Сурхондарё	1,64	53,67		
Бухоро	1,23	52,61		
Республика бўйича:	1,68	63,82		



СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТАЖРИБАСИ ИЛҲОМБАХШДИР

«СССРда социалистик ўзгар-
тишлар тажрибаси ва унинг халқ-
ро аҳамияти» мавзусидаги халқ-
аро конференция 17 октябрь кунин
Тошкентда ўз ишнин давом этти-
рди.

Осиё ва Африка мамлакатлари
бирдамлиги Совет комитетининг
раиси Мирзо Турсуновда раисли-
гида ўтган эрталабки ялпи маж-
лисида СССР Фанлар академияси-
нинг академиги Е. М. Жуков
«Хозирги босқичда антиимпери-
алистик бирлик проблемалари
тўғрисида доклад қилди. Тарих
тажрибаси, деди докладчи, дини-
ча, миллий сиёсатнинг донолигини
кўрсатди. Шу сиёсат натижасида
иттифоннинг ҳамма қатнашчилари
тўла ишончига асосланган соци-
алистик миллатларнинг бузимас
иттифоқи — СССР ташкил этил-
ди.

Қўлгина миллатлар ва элатлар
ни социализм байроғи остида қу-
дратли буюк иттифоққа янгилаш-
тирган ленинча миллий сиёсат жу-
да катта халқро аҳамиятга эга.
Бу сиёсат социалистик тузумнинг
афзаллигини кўрсатиб, турибди,
империализмга қарши кураш олиб
борайтган халқларга илҳом бер-
моқда.

Тинчлик, демократия ва соци-
ализм прогрессив кулланининг им-
пералистик реакция ва агрессия-
га қарши, осми ва янги мустанла-
начиликка қарши, эрнинг ва тенг-
хушқўли халқларини жипслагити-
риш ҳамда уларнинг ҳамкорлиги
учун олиб борайтган ҳозирги ку-
рашида СССРдаги миллий маса-
лани ҳал этишнинг тарихий таж-
рибаси алоҳида қизиқчи уйғу-
моқда.

Антиимпериалистик миллий

озодлик революцияси — узоқ вақт
тўхтовсиз давом этадиган мурак-
заб жараён бўлиб, шу жараён
давомида социал-синий кушлар
ини жойлашишда катта ўзга-
ришлар содир бўлади ва янги-
янги кескин проблемалар вужудга
кела беради, ўзига муносиб янги
шiorлар ўртага ташланади. Мил-
лий-озодлик ҳаракатининг, «учин-
чи дунё» мамлакатларининг раҳ-
бар ташкилотлари, партиялари,
рақобарлари зиммасига янги улар
бу ҳаракатнинг турли босқичла-
рида амалда ўртага қўйилган
вазифалар даражасида ҳаммаша ту-
ришлари лозим бўлади.

Имперализм «учинчи дунё»
мамлакатларини заифлаштироқ
учун миллий мустақилликка эриш-
ган мамлакатларни парчалаб юбо-

радиган турли андидияларни, тер-
риториал монопольларни келтириб
ичкармоқда. Импералистик до-
ларлар бундай монопольларнинг
қескинлашувидан манфаатдордирлар,
чунки монопольларнинг қескинла-
шувини озоқ бўлган мамлакатлар-
нинг умумий антиимпериалистик
сиёсат ўтказишига тўсқинлик қи-
лади.

Социалистик давлатлар ҳам-
дўстлиги жаҳоншумул антиимпе-
риалистик курашнинг етакчи қу-
шдир. Бу давлатларни идора қи-
лаётган Коммунистик ва ишчи
партиялар социалистик интерна-
ционализм, барча йрқлар, мил-
латлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқ-
лиғи принципларини рўббага чи-
қариш учун энг матонатли, изчил
ва эътиқодли курашчилардир,
миллий ва социал зулмин туса-

тиш йўлидаги курашнинг ташқи-
лотчиларидир.

Социалистик ҳамдўстлик мам-
лакатлари улуг Лениннинг рево-
люцион ишчилар синфи билан ўз
озодлиги учун курашайтган халқ-
ларнинг иттифоқи тўғрисидаги ва-
сийтини муттасил бажармоқда-
лар.

Коммунистик ва ишчи партия-
ларнинг 1969 йилда бўлиб ўтган
Москва кенгаши империализмга
қарши курашда социалистик мам-
лакатлар халқлари, халқро иш-
чилар ҳаракати ва миллий озод-
лик ҳаракати барча отрядларини
жанговар бирдамлигини мустаҳ-
камлаш тўғрисидаги талабини би-
ринчи ўринга қўйди.

(Охири иккинчи бетда).

